

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИ

INFOLIB

ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЙ ВЕСТНИК



№1 2018
ISSN 2181-8207

УШБУ СОНДА:

ЎРТА АСРЛАР КИТОБАТ
МАДАНИЯТИ: РИВОЖЛАНИШ
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА
ХУСУСИЯТЛАРИ

4 бет

КИТОБ – МИЛЛАТ ТАЯНЧИ,
КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

14 бет

ПРОБЛЕМЫ
ЕГИПЕТСКОЙ
НАЦИОНАЛЬНОЙ
БИБЛИОТЕКИ И
НОВОЕ ВИДЕНИЕ

20 бет

НАЦИОНАЛЬНАЯ
УНИВЕРСИТЕТСКАЯ
БИБЛИОТЕКА БОСНИИ
И ГЕРЦЕГОВИНЫ.
САРАЕВО (1945 – 2018 гг.)

28 бет

ПРОЕКТ «МОБИЛЬНАЯ
БИБЛИОТЕКА: ЧИТАЙТЕ
ЗДЕСЬ И СЕЙЧАС»

58 бет





Азиз ватандошлар!

Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини кутиб олмоқда. Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари – одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, муҳтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Ҳақиқатан ҳам бу бетакрор байрам барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида энг гўзал ва олижаноб туйғуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврўзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, диёримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардоқли ва севимли байрамига айланди. Мана шу мунаввар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман. Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч олиб келсин!

Шавкат Мирзиёев,

2018 йил 21 мартда халқимизга йўллаган Наврўз табригидан



УШБУ СОНДА: В НОМЕРЕ:

«INFOLIB» –
ахборот-кутубхона хабарномаси
Информационно-библиотечный вестник –
«INFOLIB»

№1 (13) 2018 й.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
маданий, маърифий, илмий-оммабоп
журнали, 2015 йилдан чиқа бошлаган

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Алишер Абдуазизов – раис

Кенгаш аъзолари:

Асаджон Ходжаев
Эркин Охунжонов т.ф.д.профессор
Марат Рахматуллаев тех.ф.д.профессор
Лазиз Тангриев
Алишер Файзуллаев
Тўлқин Тешабаев
Бахтиёр Сайфуллаев
Умиджон Аъламов
Ғулом Нарзуллаев пед.ф.н

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аслиддин Жўраев – бош муҳаррир

Ҳайъат аъзолари:

Умида Тешабаева
Раиса Ратнер
Зухра Бердиева
Абадбой Қиличбоев
Вероника Полякова
Баходир Мўминов тех.ф.д.

Жавлон Жовлиев – бош муҳаррир ўринбосари
Марина Ким – муҳаррир
Муяссар Балтабаева – муассасхон
Дилноза Зокирова, Шавкат Жўрабоев – дизайнер
Бобур Тургунов – фотомуҳбир

Нашр учун масъул

Фаррух Мусаев

Босишга 30.03.2018 йилда рухсат берилди.

Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб табағи 8,7.

ИНДЕКС 1277 ISSN 2181-8207

Журнал 2015 йил 10 мартда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0846 рақами билан рўйхатга олинган. Журналдан кўчириб босилганда «INFOLIB ахборот-кутубхона хабарномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт

Ушбу «INFOLIB ахборот-кутубхона хабарномаси» журнали таҳририятнинг компьютер марказида тайёрланди
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй.
E-mail: info@natlib.uz Сайт: www.natlib.uz
Телефон: +99871 232 83 94
Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
матбаа бўлимида чоп этилди
Буюртма № 476. Адади 1000 дона
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй

ТАҲРИРИЯТДАН – ОТ РЕДАКЦИИ

3 Ушбу сонда

МИНБАР – ТРИБУНА

4 Ўрта асрларда китобат маданияти: ривожланиш тамойиллари ва хусусиятлари.

Э. Охунжонов

8 Мировое архивное наследие Узбекистана. М. Исакова

12 Болаларни зарарли ахборотдан ҳимоялаш ҳуқуқи. У. Тешабаева

УШБУ СОН МЕҲМОНИ – ГОСТЬ НОМЕРА

14 Китоб – миллат таянчи, келажак пойдевори. Иброҳим Ғафуров

ЯНГИЛИКЛАР – НОВОСТИ

16 Новости информационно-библиотечной сферы в мире

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ – МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА

20 Проблемы Египетской Национальной библиотеки и новое видение.

Ахмад аш-Шавки

24 Национальная библиотека Республики Молдова – сокровищница

Национальной культуры. Е. Пинтилей

28 Национальная Университетская библиотека Боснии и Герцеговины. Сараево

(1945–2018 гг.). Исмет Овчина

32 Новые возможности Псковской областной универсальной научной библиотеки.

И. Королёва

36 Семью сплотить сумеет мудрость книг. И. Скробот

38 Калужская областная научная библиотека имени В.Г. Белинского. Т. Леонтьева

42 Грузинский Национальный центр рукописей: история и деятельность.

Т. Жгенти

46 Хорижий кутубхоналар учун малака ошириш ва таълим дастури. Г. Кулиева

АМАЛИЁТ – ПРАКТИКА

48 Корпоратив ахборот-ресурс марказларида маълумотларни интеллектуал излаш

тизимининг FSV технологияси. Б. Мўминов

54 Современные модели в поддержку чтения в библиотеках. М. Максумова

Проект «Мобильная библиотека: читайте здесь и сейчас». Р. Амиров

60 Библиография композиторов Узбекистана. Ф. Асанова

62 Сўлим водилнинг ахборот-ресурс маркази. Н. Тўхтасинова

64 Ахборот-кутубхона муассасаларида реклама. М. Раҳимов

66 Кўнгил кўзлари билан ўқиймиз... Д. Раимжонов

68 Чет тилларини ўрганишда ахборот-ресурс марказининг ўрни. А. Эшқобиллов

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР – НОРМАТИВНЫЕ ДОКУМЕНТЫ

70 Ахборот-кутубхона муассасаларида «Китобхона клуби»ни ташкил этиш

тўғрисида

МЕРОС – НАСЛЕДИЕ

74 Абулҳасан ал-Мовардийнинг илмий мероси. З. Жўраев

76 Средневековый путеводитель по Бухаре. Г. Курбанов

78 Ғафур Ғулом мероси. Д. Жалилова

82 Бухарская святыня. З. Салимова

84 Сўғд санъати. С. Мустафоқулов

88 «Садои Фарғона» газетаси. Н. Зоитова

МУҲИМ САНАЛАР – ПАМЯТНЫЕ ДАТЫ

90 Муҳим саналар

ЯНГИ АДАБИЁТЛАР – НОВЫЕ ПОСТУПЛЕНИЯ

94 Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига келиб тушган янги нашрлар

ҚАЙТА БОҒЛАНИШ – ОБРАТНАЯ СВЯЗЬ

96 Миллий кутубхона ёшлар нигоҳида

УШБУ СОНДА:



Юртимизга қут-барака, гўзаллик, нафосат, кўнглимизга эса эзгулик, янгиликларни, янги нафас олиб келувчи баҳор фасли ҳам кириб келди. Баҳор нафаси қишнинг совуқ кунларига бурканган вужудимизга ўзининг муаттар ва хушбўй исларини олиб кирди. Бежиз баҳор инсон умрининг ўлчови, унинг сарҳисоби билан бўйлашмайди. Чунки табиат ва инсон баҳор билан тирик, баҳор билан яшнайди, у билан сарбаланддир!

Баҳор турли-туман байрамларга бойлиги билан ажралиб туради. Баҳор келиши билан қишнинг совуқ кунлари ўтганига шукроналик, омонлик, яшариш куйлари чалинади. Шўх-шанг болалар қўлларида титраб турган бой-чечакни тутганча хонадонма-хонадон юриб, бойчечак, яъни янги ҳаёт қўшигини айтишади. Баҳор билан қутлашади.

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами! Бу байрам бежиз баҳор фаслига тўғри келмайди. Чунки аёлларимиз ҳам баҳор каби гўзал, баҳор сингари нафосатлидир. Барчамизга маълумки, кутубхоналарнинг асосий ходимлари аёллар. Биз шу ўринда, журнал жамоаси номидан тиниб-тинчимас, жонкуяр, мақсади шу ватан фарзандларига маънавият улашиш бўлган кутубхона хотин-қизларини чин қалбдан муборакбод этамиз! Ҳаётингиздан кулгу, қўлларингиздан китоб аримасин!

Халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрами – Наврўз! Бу байрамнинг файзи, бу куннинг соғинчи бўлак. Бу байрамнинг тарихи узок, севинчи яқин. Шунинг учун ҳам халқимиз «Ҳар кунинг бўлсин, Наврўз», дея дуога қўл очади! Янги кунингиз – Наврўзингиз билан!

Мана, сизга тобора қадрдон бўлиб, на-да жавонингиздан, балки қалбингиздан жой олиб бораётган журналимизнинг жорий йилдаги илк сони ҳам қўлингизда! Бу бизнинг сизга баҳор совғаси сифатида тортиқ этилмоқда. Журналимизни варақлашингиз билан сизни соҳанинг ранг-баранг, бир-биридан қизиқарли мақолалари қарши олади. Беихтиёр уларни ўқишга тушиб кетасиз ва соҳангизни ривожлантириш учун зарур бўлган бир қанча янгиликлардан хабардор бўласиз!

Мазкур сонда Марказий давлат архивининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Муҳайё Исоқованинг «Дунё хотирасида Ўзбекистон мероси» деб номланган мақоласи эътиборингизни тортиши аниқ. Муаллиф ма-

қоласида ЮНЕСКОнинг ноёб архив ҳужжатлари ва кутубхоналардаги нодир қўлёзмаларнинг «Жаҳон хотираси» маданий мерослар дастурига киритилиши ҳақида фикр юритиб, Ўзархив агентлиги фондида сақланаётган «Хива хонлиги девонхонаси» ҳужжатларига алоҳида тўхталади. Яна бир эътиборли, бунинг устига, бугунги кунда жуда долзарб масала, яъни болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш ҳақида ёзилган «Болаларни зарарли ахборотдан ҳимоялаш ҳуқуқи» мақоласини сизга тавсия қилган бўлардик. Мақола муаллифи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари Умида Тешабоева эътиборингизни «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга қаратиб, бугунги кунда ёшларни ахборотдан ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосининг нақадар муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли таржимон, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров билан «Китоб – миллат таянчи, келажак пойдевори» деб номланган суҳбатимизни ҳам ўқийингиз мумкин.

Журналнинг мазкур сонидан ҳам хорижий мамлакат муаллифларидан келган бир қатор мақолалар эътиборингизга ҳавола этилмоқда! Жумладан, Миср Араб Республикасининг Миллий кутубхона ва архив ҳужжатлари директорлар кенгаши раиси Аҳмад аш-Шавки, Босния ва Герцоговина Миллий университети кутубхонаси директори Исмаил Овчин, Молдова Миллий кутубхонаси бош директори Елена Пинтилей, Корнели Кекелидзе номидаги Грузия Миллий қўлёзмалар марказидан Тамар Жгенти, В. Г. Белинский номидаги Калуга вилоятининг илмий кутубхонасидан Татьяна Леонтьева, Псков вилояти илмий универсал кутубхонасидан Ирина Королёваларнинг мақолалари шулар жумласидандир.

Ўйлаймизки, журналимизнинг янги сонидан ўрин олган бир-биридан қизиқарли, соҳага оид долзарб мақолалар сизга манзур келадди. Ундаги саҳифалар сизни беэътибор қолдирмай, маълум бир фикрларни олишингизга, соҳада янгиликлар қилишга, уни ривожлантиришга, янги нафас, янги руҳ олиб киришга ундаса, биз бундан чексиз шод ва миннатдор бўламиз! Кўнглингизни баҳорий ниятлар тарқатмасин!

Наврўз айёмингиз муборак бўлсин! ■

ЎРТА АСРЛАРДА КИТОБАТ МАДАНИЯТИ: РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

«ЎЗБЕКИСТОНДА КИТОБАТ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ» КИТОБИДАН ОЛИНДИ



Эркин Охунжонов,
тарих фанлари
доктори,
профессор

Туркистонда VI–VIII асрларда юзага келган янги ишлаб чиқариш усули ва ишлаб чиқариш муносабатлари, улар билан боғлиқ ижтимоий онг шакллари ва социал институтлар IX – XVII асрлардаги ривожланиш ва баркамолликдан XVIII – XIX асрлардаги турғунлик ва таназзулгача бўлган барча эволюция босқичларини босиб ўтди. Жамиятда ҳукм сурган моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш усули ҳамда маданият типи қўлёзма китобларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, тарқатиш ва кутубхоналарда сақлаш, каталоглаштириш ва библиографиялаштириш шакллари хусусиятини, китоблар ва кутубхоналарнинг типлари, турлари, хиллари ва тоифаларини белгилаб берди.

Туркистон миллий маданиятининг илмий негизи

Турон-Туркистоннинг Араб халифалиги томонидан босиб олиниши дастлабки босқичда маҳаллий моддий ва китобат маданиятига катта зарар етказиш билан бирга, туб халқлар турмушининг барча соҳаларида тарихий ўзгаришларга асос солди. Араб халифалиги VIII – XI асрларда иқтисод ва маданиятнинг жадал ривожланишига туртки берган янги ижтимоий-иқтисодий тузумнинг қарор топиш жараёнини бошдан кечирар эди. Қулдорлик тузумидагига нисбатан янги прогрессив ишлаб чиқариш муносабатлари ва мулкчилик шаклларига ўтилиши, ривожланиб бораётган зироатчилик, хунармандчилик, халқаро алоқалар ва савдо-сотикнинг амалий эҳтиёжлари, шаҳарларнинг ривожланиши ва шаҳар аҳолиси савдохонлигининг ортиши инсоннинг турли билим соҳаларини ривожлантиришни шарт қилиб қўйди. Халифалик пойтахти бўлган Бағдод бу даврда Яқин ва Ўрта Шарқнинг йирик сиёсий, маданий ва илмий марказига айланди. VIII асрнинг охири халифа Хорун ар-Рашид (786 – 809) ҳукмронлиги даврида бу ерда

ўзига хос Фанлар академияси вазифасини бажарган «Донишмандлик уйи» («Байт ул-Хикма») ташкил қилинди. Унда расадхона ҳамда дунё халқларининг турли тилларидаги қадимги қўлёзмалар коллекциясига эга бўлган, янги қўлёзмалар билан узлуксиз тўлдириб турилган бой кутубхона фаолият кўрсатди. Бағдодда қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши энг аҳамиятли қўлёзма китобларни қайта кўчириш ва кўпайтириш ишини анча такомиллаштириш ва жадаллаштириш имконини берди. Бу билан кутубхона қошидаги махсус ҳатотлар гуруҳи шуғулланарди. IX аср бошларида халифа ал-Маъмун даврида «Донишмандлик уйи» да катта миқёсда илмий ва таржимонлик фаолияти йўлга қўйилди. Олимлар ва таржимонлар оригинал китоблар яратиш, қадимги давр олимларининг асарларини юнон, сурия, санскрит, набатий, ўрта форс тилларидан араб тилига таржима қилиш, қадимги трактатларга шарҳлар ёзиш билан шуғулландилар. Арабшунос олим А.Б.Халидовнинг ёзишича: «...ҳаммаси бўлиб VIII – X асрлардаги элликтача таржимоннинг номи маълум. Улар ўнлаб муаллифларнинг юзлаб ном ва жилддаги асарларини таржима қилганлар».

Қадимги халқлар фан ва маданияти анъаналари, ижтимоий ва аниқ фанлар соҳасидаги билиш методларини ижодий ўзлаштириш ва янада ривожлантириш Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда ривожланган араб тили ижтимоий-фалсафий, табиий-илмий тафаккур ва прогрессив маданиятнинг илмий негизини ташкил қилди. Уни шакллантириш ва ривожлантиришда олимларнинг қатор авлодлари, ҳам араб ва араблашган мамлакатларнинг вакиллари, ҳам араблар томонидан истило қилинган Турон, Эрон, Кавказорти, Шимолий Ҳиндистон, Шимолий Африка, Испаниядаги турли халқларнинг вакиллари бевосита қатнашди. Уларнинг асарлари араб

Бағдодда қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши энг аҳамиятли қўлёзма китобларни қайта кўчириш ва кўпайтириш ишини анча такомиллаштириш ва жадаллаштириш имконини берди

ёзуви қўлланган мамлакатларда кенг тарқалди. Уларнинг ҳаммаси бутун мусулмон маданий дунёсида умумий қабул қилинган дин тили ва илмий тил, араб тилида ижод қилди ва ҳар бири ўзининг билим соҳасида Араб халифалигида кўплаб халқларнинг маданиятини синтез қилиш ва ўзаро бойитиш жараёнида юзага келган (шартли равишда «арабгўй», «араб тилли» деб аталган), халифалик парчаланиб, унинг улкан ҳудудида алоҳида давлатлар ташкил топганидан кейин эса мустақил равишда ривожлана бошлаган фан ва маданиятнинг равнақ топишига маълум ҳиссасини қўшди.

Туркистон миллий маданиятининг уч ўзак негизи

Араб халифалигининг емирилиши IX асрнинг ўрталарида бошланди. Бирин-кетин ундан истило қилинган барча халқлар ва мамлакатлар ажралиб чиқди. Халифаликнинг қатор мустақил давлатларга бўлиниши улар ўртасидаги маънавий алоқаларга барҳам бермади, фақат қисқартирди, холос. Маданиятларнинг бир-бирига ўзаро таъсир қилиш жараёни кейинги асрларда ягона диний дунёқараш ва илмий тил асосида, вақт ўтиши билан жиддий заифлашиб, хусусиятини ўзгартириб ва янги шаклларга кириб давом этди.

Араб халифалиги таркибидаги тарихий даврда Турон-Туркистонда ислом динига ўтилиши, тил, фан ва адабиётда араблашиш тенденциясининг кучайишини қайд этиш мумкин. Араб ҳукмдорлари билан имкон қадар яқинлашишга интилган туркистонлик аристократия ва дин пешволари муҳитида араб тилини эгаллашга қизиқиш кучайиб борди. Кейинчалик бу таомил интеллектуал меҳнат, илмий ва бадиий ижод билан шуғулланувчи кишилар муҳитида араб, форс ва туркий тилларни билимли шахснинг зарур хосликлари сифатида билиш анънасига айланди. Бу анъана Туркистонда XX асрнинг ўрталаригача сақланиб келди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари шоирларининг ижодида кўп тиллилик ҳолатларини қайд этар экан, машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс жумладан шундай дейди: «...Мусулмон дунёсининг деярли ҳар бир йирик шоири ўзининг она тилидан ташқари одатда бошқа бир тилда ҳам ижод қилган. Бунда маълум таомилни ҳам қайд этиш мумкин. Чунончи, туркийлар, туркийдан ташқари, кўпинча форс ва араб тилларини, форслар, форс тилидан ташқари, одатда араб тилини қўллаганлар... Агар бу ҳолатни Ғарбий Европада адабиётнинг ривожланишига солиштирсак, кўп тиллилик Шарқ шоирларининг ижодида анча кенг тарқалганлигининг гувоҳи бўламиз».



«Олдузларнинг илм-фанига оид маърифий китоб». Абу Райҳон Беруний. XI аср. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди

дида анча кенг тарқалганлигининг гувоҳи бўламиз».

Барча мусулмон мамлакатларида универсал илмий тил ва ҳукмрон дин тили сифатида қабул қилинган араб тили (Ўрта асрларда Ғарбий Европада фан ва дин лотин тилида ривожлангани сингари) ўзаро маданий алоқаларнинг ўрнатилишида ҳал қилувчи ўрин тутди. Дин ва мусулмон мафқураси соҳаси ҳамда фан соҳаси араб тилида эди. Ўрта асрларда Турон-Туркистонда жуда кўп илмий билимлар араб тилида ривожланди ва уларни ифодаловчи китоблар яратилди. Араб тили воситасида кенг халқаро маданий алоқалар субъектига айланган Турон-Туркистон халқлари фақат Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кечган кенг қамровли маданий синтез жараёнига қўшилибгина қолмай, балки мусулмон цивилизацияси маданиятини ривожлантиришда ҳам бевосита иштирок этди.

Жамиятда рўй берган туб ўзгаришлар, табиий-илмий, ижтимоий ва диний тафаккурининг эволюцияси, жамиятда илмий билимлар ва бадиий адабиётга қизиқишнинг кучайиши ўша даврнинг ягона ва ноёб универсал ёзма ахборот тарқатувчиси саналган қўлёзма китобларга бўлган эҳтиёж ва талабни кучайтирди. Китобнинг жамият ижтимоий-маданий ва интеллектуал ривожланишидаги тутган ўрни ҳам ўзгариб борди. Асосан диний ибодат мақсадларига хизмат қилган қадимги ва илк Ўрта асрлар китоби (фақат ибодатхоналардагина сақланган ва тор доирада фойдаланилган Авесто, буддизм адабиёти мажмуалари, монийчиларнинг етти муқаддас китоби) дан фарқли ўлароқ, бу даврда китобнинг ижтимоий мулоқот усули ва оммавий алоқа, оммавий коммуникация воситаси сифатидаги аҳамияти ортиб борди.

Халифаликдан мустақил бўлган дастлабки Турон-Туркистон давлатлари – пойтахти

Арабшунос олим А.Б.Халидовнинг ёзишича:

«...ҳаммаси бўлиб VIII–X асрлардаги элликтича таржимоннинг номи маълум. Улар ўнлаб муаллифларнинг юзлаб ном ва жилддаги асарларини таржима қилганлар»

«... Мусулмон дунёсининг деярли ҳар бир йирик шоири ўзининг она тилидан ташқари одатда бошқа бир тилда ҳам ижод қилган. Агар бу ҳолатни Ғарбий Европада адабиётнинг ривожланишига солиштирсак, кўп тиллилик Шарқ шоирларининг ижодида анча кенг тарқалганлигининг гувоҳи бўламиз»

IX асрнинг охири – X асрнинг бошидан эътиборан форсий-дорий ва тожик тилларидаги адабий-бадий китоб, у билан бирга илмий китоб ҳам, Турон-Туркистон китоб репертуарида асосий ўринлардан бирини мустаҳкам эгаллади

Туркий ижтимоий-фалсафий тафаккур даражаси нечоғли баланд бўлганлигини бизгача етиб келган ахлоқий-маънавий ва дидактик мазмундаги икки адабий асар Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» (VIII – IX асрлар чегараси) ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» (1069) асарларидир

Бухорода бўлган Тоҳирий, Сафарий ва Сомоний давлатлари, Хоразмда Хоразмшоҳлар давлати, пойтахти Самарқандда ва қисман Ўзганда бўлган Қорахонийлар давлати қарор топганидан кейин, аввал араб тилини ўрганиш ва қўлланилишига ўз мавқеини мустаҳкамлаш воситаларидан бири сифатида қараган ҳукмрон табақалар кенг халқ оммасининг тиллари – форсий, дорий, тожик ва туркий тилларни рад эта олмай қолди. Сомонийлар давлатида (X аср) форсий-дорий тили асосан давлат тили сифатида қабул қилиниб, расмий ёзишмалар шу тилда олиб борила бошланди. Рудакий, Дақикий, Фирдавсий сингари буюк шоирлар ва бошқа юзлаб ижодкорлар айнан шу тилда ўзларининг ажойиб асарларини яратдилар. «Дорий тилидаги адабиётнинг равнақи натижасида бу тил адабий тил сифатида кенг тарқалди, – деб ёзади ўзининг «Форс-тожик адабиёти тарихи» асарида проф.Е.Э.Бертельс. – Дорий тили кўшни вилоятларнинг тиллари билан турдошлиги ва лексикасининг кўп жиҳатдан умумийлиги бу тилнинг тарқалишини осонлаштирди. Бунинг натижасида у Эронда тарқалди ва адабиётдан ўрта форс (пахлавий) тилини сиқиб чиқарди. Адабий тил сифатида дорий бир неча аср ҳукм сурди ва охир натижада Ўрта Осиёда адабий тожик тилига, Эронда эса – форс тилига ўрин бўшатди».

Халқаро китоб алмашуви ва араб тили тўғрисида бутун мусулмон маданий дунёсида муомалада бўлган Турон-Туркистон тупроғида туғилган араб тилидаги табиий-илмий, ижтимоий ва адабий-бадий китобдан фарқли ўлароқ, форсий-дорий тилидаги китоб бу тил Турон-Туркистон, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ва ёндош вилоятларда тарқалгани тўғрисида, асосан Ўрта Шарқда муомалада бўл-

ди. Бу ерда мустақил давлатлар ташкил топганидан кейин, қадимги мусулмон давригача бўлган маданий анъаналар ва халқ урф-одатларининг тикланиши шароитларида янги ёзма адабиётнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит юзага келди. Форсийзабон халқлар ёзма маданиятининг қарийб ўн беш асрлик тарихи мобайнида тўпланган улкан маданий-тарихий материал, халқ оғзаки ижоднинг бой хазинаси, араб тилидаги бой адабиётни ўрганиш, эрон тилли ўз миллий поэтика тамойилларини ижодий ривожлантириш ва ривожланган араб поэтикасини ўзлаштириш – буларнинг барчаси вақти келиб маълум шаклда ўз ифодасини топмаслиги мумкин эмас эди. X асрда рўй берган мумтоз форс-тожик адабиётининг равнақи айнан миллий маданият тарихини бадий ва илмий тушуниб етиш, халқ оммаси томонидан ишлаб чиқилган кучли маънавий салоҳиятни умумлаштириш ва ундан фойдаланишнинг натижаси бўлди. IX асрнинг охири – X асрнинг бошидан эътиборан форсий-дорий ва тожик тилларидаги адабий-бадий китоб, у билан бирга илмий китоб ҳам, Турон-Туркистон китоб репертуарида асосий ўринлардан бирини мустаҳкам эгаллади.

Форс тилидаги адабиёт ва фаннинг ривожланиши билан бир вақтда Турон-Туркистондаги туркийгўй аҳолининг маданияти, фани ва адабиётида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Туркий халқларнинг умумий маданий-тарихий жараён эволюцияси таъсирининг кучайишига X аср охиридан бошлаб Ғазнавийлар, Қорахонийлар ва Салжуқийлар туркий сулоалари ҳукми остидаги йирик марказлашган давлатларнинг юзага келиши имкон яратди. Масалан, Қорахонийлар давлатининг асосий ҳудуди, яъни Самарқанд ва Тошкент воҳалари, Фарғона водийси, Еттисув ва Қошғарда XI–XIV асрлар мобайнида туркий тил умумий истеъмолда бўлган, ягона ёзув маданиятли этник ва маданий бирлик қарор топди.

Туркий ижтимоий-фалсафий тафаккур даражаси нечоғли баланд бўлганлигини бизгача етиб келган ахлоқий-маънавий ва дидактик мазмундаги икки адабий асар яққол намоеън этади. Бу туркий дунёвий адабиётнинг энг йирик ёдгорликлари – Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» (VIII – IX асрлар чегараси) ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» (1069) асарларидир.

XI асрда яшаган буюк олим Маҳмуд Қошғарий томонидан 1073 йилда яратилган «Девони луғатит турк» асари туркий тилларда мада-



«Куллиёт». Абдурахмон Жомий. XV аср.
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик
институту кўлёмалар фонди



ният, адабиёт, табиий-илмий ва ижтимоий тафаккурни ривожлантириш учун улкан ижодий салоҳият ва имкониятлар мавжудлигининг ёрқин далили бўлди. Бу асарда фақат бой лексикографик ва лингвистик материалгина эмас, балки туркий халқлар тарихий демографияси, этнографияси, турмуш тарзи, халқ оғзаки ижоди, яшаш ареали ва географиясига доир бебаҳо маълумотлар ҳам мавжуд эди.

Турон-Туркистон китобат маданиятида араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзма китобларнинг параллел ривожланиши ва муомалада бўлиши унинг Ўрта асрлардаги тарихий эволюциясининг муҳим ўзига хосликларидан бири бўлди. Тубан назарий жиҳатдан бунинг негизида ўрта аср туркистон маданиятининг уч ўзаклиги ётади. Биринчи ва иккинчи ўзак форсий ва туркий – асоси зардуштийлик диний ва умуман авесто ва туркий маданий дунёсида қабул этилган турмуш тарзи принциплари асорати, учинчи ўзак арабий – асоси мусулмончилик диний ва маданий принциплари ва турмуш тарзи одатлари. Аммо бу уч ўзак туркистон маданиятида диалектик бирликни ташкил этади. Араб, форс, туркий китобат маданияти элементларининг китобат иши ривожланиши мобайнида интеграциялашиш (яхлитланиш) жараёнлари X–XI асрлардаёқ уларнинг маълум синкретизмига, синтезига ва умумий Туркистон китобат маданияти тизимини ҳосил қилувчи элементларга айланишига олиб келди. Туркистон китобат маданияти интеграциялашиш (бирлашиш) ва дифференциациялашиш (бўлиниш) жараёнларининг бу ички бирлиги, бир томондан, Турон-Туркистон элатлари бирлашиш ва фарқланиш эволюциясининг ички бирлигини ифода этса, иккинчи томондан – интеграциялашиш жараёнлари уларнинг ижтимоий-тарихий ва маданий ривожланишидаги ички бирлигини акс эттиради.

Турон-Туркистон форсийзабон ва туркий-ғўй аҳолисининг маданий эволюцияси ёндош халқлар маданияти билан қалин ўзаро боғ-

лиқликда, ҳам қадимги туркий, ўрта форс, форсий-дорий, тожик, янги туркий, араб тилларидаги, ҳам араб тили орқали санскрит, қадимги юнон, сурия тилларидаги илмий тафаккур, ҳунармандчилик, адабиёт ва санъат ютуқларини жалб қилиш йўли билан амалга ошди. Бундай бир-бирига ўтиш ва бир-бирини бойитиш натижасида маданий, илмий ва адабий анъаналарнинг ҳамда улкан минтақада яшовчи, араб ёзувини қўлловчи, янги эрон, пушту, форсий, дорий, тожик ва янги туркий тилларда сўзлашувчи ва ёзувчи халқларнинг лисоний ва жуғрофий яқинлиги, ўрта асрлар давридаги тарихий тақдирининг ўхшашлиги, диний дунёқараши ва араб алифбосига асосланган ёзувининг умумийлиги билан изоҳланувчи китоб кўчириш ва кўпайтириш, уни безаш ва тўплаш анъаналарининг маълум бирлиги ҳам ривожланиб борди. Қайд этиб ўтилган анъаналарнинг бирлиги фақат Турон-Туркистон, Эрон, Озарбайжон ва Афғонистон билан чегараланмайди. Маълум даражада у мазкур интеграциялашиш жараёни доирасидаги аниқ миллий ва лисоний дифференциациялашишга эга бутун мусулмон маданий дунёсини қамраб олади.

Маданий анъаналарнинг айнан шу бирлиги фан, маориф, адабиёт соҳаларидаги эркин ва тўсиқсиз ўзаро алмашувга, ўз мамлакатларининг қадимдан Ўрта асрларга ўтишининг янги тарихий шароитларида ҳар хил адабиёт турлари, янги поэтик шакл ва жанрлар, масалан, ривожланган араб поэтикасининг форсийзабон ва туркийғўй халқлар томонидан ёки юнон ва ҳинд илмий анъаналари, ижтимоий ва табиий фанлар соҳаларидаги билиш методларининг мусулмон маданий дунёси халқлари томонидан қабул қилиниши ва ижодий ўзлаштирилишига имконият яратди. Бундай жараёнлар, энг аввало, китобда: адабий-бадиий материални қўлёзма китобга айлантиришнинг ҳар хил шакллари, китобнинг ҳар хил турлари, типлари, тоифаларининг юзага келишида ўз аксини топди.

Ўрта асрлар китоби (фақат ибодат-хоналардагина сақланган ва тор доирада фойдаланилган Авесто, буддизм адабиёти мажмуалари, монийчиларнинг етти муқаддас китоби)дан фарқли ўларок, бу даврда китобнинг ижтимоий мулоқот усули ва оммавий алоқа, оммавий коммуникация воситаси сифатидаги аҳамияти ортиб борди

Араб, форс, туркий китобат маданияти элементларининг китобат иши ривожланиши мобайнида интеграциялашиш (яхлитланиш) жараёнлари X–XI асрлардаёқ уларнинг маълум синкретизмига, синтезига ва умумий Туркистон китобат маданияти тизимини ҳосил қилувчи элементларга айланишига олиб келди

Эркин Ахунджанов, доктор исторических наук, профессор

В статье рассматриваются исторические тенденции и социокультурные особенности эволюции книжной культуры в Узбекистане в средние века. В ходе культурно-исторической эволюции в VIII–XII вв в самостоятельную профессиональную деятельность выделяется ремесло переписки и размножения рукописных книг, возникают профессии каллиграфа-переписчика рукописей, переплётчика, книготорговца. С ростом производства рукописных книг расширились масштабы книжной торговли, появлялись новые библиотеки, библиографические труды, складывалось многообразие книжного репертуара. Одной из важнейших особенностей явилось параллельное развитие и существование в книжной культуре тюркоязычной, персоязычной и арабоязычной книги. В основе данного феномена лежал синтетичный, трёхкорневой характер самой средневековой культуры народов Узбекистана. ■

МИРОВОЕ АРХИВНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА



Мухайё Исакова,
доктор исторических
наук, старший
научный сотрудник
Центрального
государственного
архива Республики
Узбекистан



Программа ЮНЕСКО «Память мира», созданная в 1992 году призвана способствовать сохранению всемирного наследия ценных объектов архивных фондов и коллекций библиотек, расширению доступа к данным источникам. Это наследие отражает многообразие языков, культур и народов, является отражением мира и его памяти. Начиная с 1997 года, в рамках программы ведутся реестры документального наследия (на международном, региональном и национальном уровнях). За время существования Программы в Международный реестр из Узбекистана в 1997 году были включены: Коллекция рукописей Института востоковедения им. Аль-Беруни Академии наук Узбекистана и Коран Усмана (Османа), хранящийся в Медресе Муйи Муборак, входящем в Ансабль Хазрати Имама в Ташкенте.

В номинацию Международного реестра Программы за 2016–2017 гг. было подано 130

заявлений из различных стран мира. Из них было отобрано 78 новых номинаций в число которых на третьем месте вошел Архив Канцелярии Хивинских ханов (Archives of the Chancellery of Khiva Khans).

Коллекция документов архивного фонда «Канцелярии хана хивинского», хранящийся в Центральном государственном архиве Республики Узбекистан является одним из крупных архивов среднеазиатских правителей, где сосредоточены документы на восточных (арабском, персидском и узбекском, турецком) языках. Данная коллекция архивных документов является уникальным наследием народов не только Центральной Азии, но ряда других стран и представляет самую большую из известных и сохранившихся архивных (коллекций) документов мусульманского Востока.

История формирования архивного фонда «Архив Хивинских ханов» включает в себя два этапа.

Первый этап. 20 мая 1931 г. очередным постановлением ЦИК и СНК УзССР был определен новый состав документов Единого государственного архивного фонда республики. Особое значение при сборе документов имели всякого рода архивные материалы, относящиеся к историческим формам землеустройства и водопользования (вакфнаме, жалованные грамоты), официальные и личные архивные материалы членов бывшей господствовавшей династии и местных правителей (ханов, беков, духовных сановников). Запрещалось выделять на уничтожение документы, отложившиеся в результате деятельности учреждений Российской империи, Бухарского и Хивинского ханств, а также БНСР и ХНСР. Позже на основе данного постановления в декабре 1933 г. ЦИК УзССР издал распоряжение Центральному Архивному управлению республики о необходимос-



1850 йилдаги ойлик маош ва мансаблар руйхати дафтари



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3684> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3684> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3684>